



**2019 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжларига
топширилган бошоқли дон учун ҳисоб-китоб қилиш
ТИЗИМИ**

2019 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжларига топширилган бошоқли дон учун ҳисоб-китоб қилиш

ТИЗИМИ

Ғалла майдони



Ўрилган ғала автотранспортга юкланиб дон корхоналарига юборилади.

Дон корхонаси



Дон қабул қилиш масканига келтирилган дондан намуна олиниб, тарозидан ўлчаниб, тегишли майдонга тўқилади ҳамда электрон онлайн дастурига киритилади.

Дон корхонаси бухгалтерияси



ПК 10
...
ПК 10А
...

Доннинг сифат кўрсаткичларидан келиб чиқиб, кунлик ПК10, ПК10А қабул квитанцияси тўлдирилади ва умумий сумманинг 85 % миқдорда Компанияга буюртма берилади.

Жамғарма



Буюртма

Маблағ

“Ўздонмахсулот” АК



Буюртма 1

Ўрим отряди



Фермер ғалла майдони тўлиқ ўриб бўлингандан сўнг ялпи ҳосил ва ўргача ҳосилдорлик бўйича кун якунига қадар 3 нусхада далолатнома расмийлаштирилиб 1 нусхаси туман ишчи гуруҳига тақдим этилади.

Туман ишчи гуруҳи



Туман ишчи гуруҳи тақдим этилган далолатномага асосан фермер хўжалиги ғалла ҳосилдорлигидан келиб чиқиб, бир кун муддатда 4 нусхада РЕЕСТР шакллантиради ва тўловни амалга ошириш учун 1 нусхасини дон корхонасига тақдим этади.

Дон корхонаси



ВМ нинг 959-сонли қарорга асосан тақдим этилган РЕЕСТР бўйича чегирма ва устамаларни ҳисобга олган ҳолда, фермер хўжаликлари билан якуний солиштирма далолатнома расмийлаштириб, компанияга якуний ҳисоб китоб учун буюртма беради.

Буюртма 2

Маблағ

Маблағ

Фермер хўжаликлари



имтиёзли
кредитни
сўндириш учун

Таъминотчи ва
хизмат
кўрсатувчи
корхоналар
билан ўзаро
ҳисоб китоб
қилишга.

2019 йилда етиштирилган бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилини аниқлаш ҳамда давлат эҳтиёжи учун топширилган дон учун ҳисоб-китоб қилиш механизми

Республикада бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш, юқори сифатли уруғлик материаллари тайёрлаш, агротехнологиянинг илғор усуллари қўллаш ҳамда фермер хўжалиқларини рағбатлантириш механизмларини жорий этиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилаётганлиги билан бир қаторда, етиштирилаётган бошоқли дон ҳосилини кескин кўпайтиришда фойдаланилмаётган имкониятлар ва ўз ечимини кутаётган жиддий муаммолар сақланиб қолаётганлиги сабабли Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрда 959-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорда хусусан:

2019 йил ҳосили учун етиштириладиган 3-класс юмшоқ буғдойнинг ҳар бир тоннаси учун кафолатланган давлат харидининг ўртача нархи 1 200 000 сўм миқдоридан белгиланган.

2019 йил ҳосилидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилиши белгиланган:

Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан суғориладиган майдонларда етиштирилган бошоқли дон ҳосилдорлигига қараб, давлат хариди учун етказиб берилган дон харид нархига 25 фоизгача устама ёки чегирма қўлланилади.

Бунда, бошоқли дон ҳосилдорлиги ҳар гектаридан:

41 центнердан 50 центнергача бўлганда – 10 фоиз;

51 центнердан 60 центнергача бўлганда – 20 фоиз;

61 центнер ва ундан юқори бўлганда – 25 фоиз харид нархига устама;

аксинча:

30 центнер ва ундан кам бўлганда – 25 фоиз;

31 центнердан 40 центнергача бўлганда – 15 фоиз харид нархидан **чегирма** билан давлат хариди учун қабул қилинган доннинг умумий ҳажми ҳисоб-китоб қилинади;

Давлат эҳтиёжлари учун топширилган бошоқли дон учун якуний ҳисоб-китоблар Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 357-сон қарори билан тасдиқланган НИЗОМ асосида амалга оширилади.

I. Ташкилий тадбирлар

1. Бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилини аниқлаш бўйича ҳар бир туманда туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари раҳбарлигида **туман ишчи гуруҳи тузилади** (1-илова).

2. Ғалла ўрим-йиғимини тизимли ташкил этиш мақсадида ҳар бир туманда ғалла майдонлари ва ғалла миқдоридан келиб чиқиб **ўрим-йиғим отрядлари ташкил этилади** (2-илова).

3. Тумандаги ҳар бир ҳудудда экилган бошоқли дон экинлари навларининг пишиб етилиш муддатидан келиб чиқиб фермер хўжаликлари кесимида **ўрим-йиғимни ташкил этиш кетма-кетлик графиги тасдиқланади;**

бунда, туманда ташкил этилган ғалла ўрим-йиғим отрядларига ҳудудлар бириктирилади ва фермер хўжаликлари кесимида ўрим-йиғимни кунма-кун ташкил этиш графиги ҳар бир отряд бўйича туман ҳокими томонидан тасдиқланади.

II. Ўрим-йиғимни ташкил этиш

4. Ўрим-йиғим отряди ўзига бириктирилган ҳудудда тасдиқланган график асосида фермер хўжалиklarининг бошоқли дон экин майдонларида **ғалла ўрим-йиғимини ташкил этади** ва ўриб-йиғиб олинаётган дон контрактация шартнома мажбурияти бажарилгунга қадар дон қабул қилиш шахобчасига жўнатилади.

Контрактация шартномаси учун дон ўриб-йиғиб олинаётган пайтда ғалла ўриш комбайни ёрдамида ўриб олинган дон (комбайн бункери тўлдирилган ҳолда) алоҳида дон ташиш техникасига тўкиб тўлдирилади ва дон қабул қилиш шахобчасига юборилади, топширилган дон миқдори дон ташиш техникасини тўлдириш учун тўкилган бункер сонига бўлинади, **ўртача бир бункер дон оғирлиги аниқланади.**

5. Контракция шартнома мажбурияти бажарилгандан сўнг, отряд раҳбари томонидан ўртача бир бункер оғирлиги аниқланган русумдаги комбайн ёрдамида фермер хўжалиги ихтиёрига қолган майдон ўриб олинади ва ўриб олинган дон миқдори юқорида аниқланган бункер оғирлиги бўйича ялпи ҳосил миқдори аниқланади ва ўртача ҳосилдорлик белгиланади.

Бунда, ўртача бир бункер дон оғирлиги ҳар бир фермер хўжалигида ўрим-йиғим даврида алоҳида аниқланади.

6. Давлат эҳтиёжи учун топширилган дон ҳажмига фермер хўжалиги ихтиёрига ўриб берилган дон ҳажми қўшилади ва ялпи ҳосил аниқланади, ялпи ҳосил ўриб-йиғиб олинган майдонга бўлинади ва якуний ҳосилдорлик белгиланади.

Шартнома режаси бажарилгандан сўнг фермер хўжалиги ихтиёрида қолган майдондаги дон ўриб-йиғиб олиниб фермер хўжалиги хирмонига тўкиб берилади.

7. Ғалла ўрим-йиғим отряди томонидан ўрим-йиғим якунланган фермер хўжалиги даласида дон ўриб олинган майдон, етиштирилган ялпи ҳосил ва ўртача ҳосилдорлик бўйича 3 нусхада далолатнома расмийлаштирилади, далолатноманинг бир нусхаси туман ишчи гуруҳига, иккинчи нусхаси фермер хўжалигида, учинчи нусхаси ўрим-йиғим отряди раҳбарида сақланади.

III. Давлат эҳтиёжи учун тошприлган дон учун ҳисоб-китоб қилиш (устама тўлаш ёки чегирма қўллаш) тизими

Контракция шартномасига асосан фермер хўжалигидан дон қабул қилиш масканига келтирилган ғалладан дон қабул қилиш маскани лабораторияси томонидан намуна олинади.

Дон юкланган автотранспорт воситаси тарозида тортилиб вазни аниқланади, дон тегишли майдонга тўкилиб, топширилган физик дон ҳажми тарози журнали (28 шакл тоқ ва жуфт кунлари учун) ва юк хатларида қайд этилади ва онлайн дастурига киритилади.

Фермер хўжаликларидан кунлик қабул килинган дон тўғрисидаги юк хатлари жамланиб реестр тузилади (саот 24-00 да кун ёпилиб дон қабул килиш ишлари давом этади ва кейинги кун ҳисобига қабул қилинади) ва лабораторияда кунлик топширилган дон намуналари таҳлил кўрсаткичлари реестрга қайд этилади.

Тайёр бўлган реестрлар асосида доннинг синфи ва ҳисобга олинган вазни аниқланиб “ПК-10” ва “ПК-10А” қабул қвитанциялари расмийлаштирилади.

Ёзилган “ПК-10” ва “ПК-10А” қабул қвитанциялари асосида дон корхоналари томонидан “Ўздонмахсулот” АК га **дон қийматининг 85 фоизи микдори** ва дон корхонаси, фермер хўжалиги ва автотранспорт корхонаси ўртасида дон ташиш юзасидан тузилган шартномаларга мувофиқ **ташиш харажатлари учун тўловларни амалга ошириш тўғрисида буюртма берилади.**

Ғалла ўрим-йиғим отряди томонидан ўрим-йиғим яқунланган фермер хўжалиги даласида дон ўриб олинган майдон, етиштирилган ялпи ҳосил ва ўртача ҳосилдорлик тўғрисидаги далолатномага асосан туман ишчи гуруҳи 4 нусхада ўрим-йиғим яқунланган фермер хўжаликлари реестрини шакллантиради ва ишчи гуруҳ томонидан имзоланади. **Ўрим-йиғим яқунланган фермер хўжаликлари реестрининг** биринчи нусхаси туман Қишлоқ хўжалиги бўлимига, иккинчи нусхаси дон корхонасига, учинчи нусхаси туман статистика бўлимига, тўртинчи нусхаси туман давлат солиқ инспекциясига тақдим этилади.

Дон корхонаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдари 959-сонли қарорига асосан ҳар гектаридан 41 центнер ва ундан юқори ҳосил етиштирган фермер хўжаликларига устама қўллаган ҳолда ҳамда 40 центнер ва ундан кам ҳосил етиштирган фермер хўжаликларига чегирма қўллаган ҳолда якуний ҳисоб-китоб қилиш учун дон корхонаси ва фермер хўжалиги ўртасида **оралиқ далолатнома** тузилади. Дон корхонаси ушбу далолатномага асосан якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун маблағ ажратиш тўғрисида “Ўздонмахсулот” АКга буюртма юборади.

“Ўздонмаҳсулот” АК ҳудудий дон корхоналари буюртмасига асосан фермер хўжаликлари билан якуний ҳисоб-китоб килиш учун зарур маблағлар ажратиш тўғрисида Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига буюртма беради.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси буюртмага асосан “Ўздонмаҳсулот” АКга маблағ ажратади ва ҳудудий дон корхоналари орқали фермер хўжаликлари билан давлат эҳтиёжи учун топширилган дон учун якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари
томонидан етиштирилган бошоқли
дон экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи
ҳосилни аниқлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган бошоқли дон
экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилни аниқловчи туман ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ

т/р	Ф.И.Ш.	Иш жойи ва лавозими
1.	Лавозими бўйича	– Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, <i>туман ишчи гуруҳи раҳбари</i>
2.	Лавозими бўйича	– Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, <i>туман ишчи гуруҳи раҳбарининг ўринбосари</i>
3.	Лавозими бўйича	– Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
4.	Лавозими бўйича	– Худудий дон корхонаси туман дон қабул қилиш шаҳобчаси мудир
5.	Лавозими бўйича	– Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи
6.	Лавозими бўйича	– Туман давлат статистика бўлими бошлиғи
7.	Лавозими бўйича	– Бош прокуратура ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси туман бўлими бошлиғи

Қишлоқ хўжалиги корхоналари
томонидан етиштирилган бошоқли
дон экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи
ҳосилни аниқлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

Ғалла ўрим-йиғим отряди намунавий
ТАРКИБИ*

т/р	Ф.И.Ш.	Иш жойи ва лавозими
1.	Лавозими бўйича	– Туман _____ ташкилоти бошлиғи, ғалла ўрим-йиғим отряди раҳбари
2.	Лавозими бўйича	– Туман қишлоқ хўжалиги бўлими ходими
3.	Лавозими бўйича	– Туман деҳқон, фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ходими
4.	Лавозими бўйича	– туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими мутахассиси
5.	Лавозими бўйича	– Туман ички ишлар бўлими ходими
6.	Лавозими бўйича	– Туман давлат статистика бўлими ходими

*) Туманда мавжуд ғалла ўриш комбайнлари сонидан келиб чиқиб, бир нечта ўрим-йиғим отряди ташкил этилади.

**Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган
бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилини
аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова**

ДАЛОЛАТНОМА

_____ тумани 2019 йил "_____" _____
Бизлар қуйида имзо чекувчилар: _____ тумани _____-сонли ғалла ўрим-йиғим отряди бошлиғи _____, туман қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассиси _____, туман деҳқон, фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ходими _____, "_____" дон корхонаси ходими _____, туман ер ресурслари ва давлат кадастр мутахассиси _____, туман ички ишлар бўлими ходими _____ "_____" фермер хўжалиги бошлиғи _____ шу ҳақдаким:

_____ тумани _____ ҳудудидаги "_____" фермер хўжалиги томонидан 20__ йил ҳосили учун ғалла экилган жами ____ гектар майдондан _____ тонна буғдой (арпа) ҳосили ўриб-йиғиб олинди ва ўртача ҳосилдорлик ҳар бир гектар майдонда ____ центнерни ташкил этди.
Давлат хариди учун _____ тонна буғдой (арпа) дон қабул қилиш шаҳобчасига топширилди ва фермер хўжалиги ихтиёрида _____ тонна дон қолди.
Юқоридагиларни тўғрилиги учун имзо чекувчилар:

Юқоридагиларни тўғрилиги учун имзо чекувчилар:

1.	Ғалла ўрим-йиғим отряди раҳбари	имзо	Ф.И.Ш.
2.	Туман қишлоқ хўжалиги бўлими ходими	имзо	Ф.И.Ш.
3.	Туман деҳқон, фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ходими	имзо	Ф.И.Ш.
4.	Дон корхонаси ходими	имзо	Ф.И.Ш.
5.	Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими мутахассиси	имзо	Ф.И.Ш.
6.	Туман ички ишлар бўлими ходими	имзо	Ф.И.Ш.
7.	Комбайн оператори	имзо	Ф.И.Ш.
8.	Фермер хўжалиги раҳбари	имзо	Ф.И.Ш.
9.	Туман статистика бўлими ходими	имзо	Ф.И.Ш.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан
етиштирилган бошоқли дон экинлари
ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилини аниқлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

_____ туманида ўрим-йиғим якунланган қишлоқ хўжалиги корхоналари

РЕЕСТРИ № _____

“ ____ ” _____ 20__ й.

т/р	Фермер хўжаликлари номи	Ўрим-йиғим якунланган		Шундан		Давлат хариди учун топширилган дон миқдорига қўллаш тавсия этиладиган			
		Ғалла майдон и, га	Олинган			Устама		Чегирма	
			Ҳосил- дорлик, ц/га	Ялпи ҳосил, тонна	Давлат хариди учун топширилган дон, тонна	ф/х. ихтиёрида қолган дон, тонна	%	суммаси, млн.сўм	%
1									
2									
...									
	ЖАМИ								

Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги
масалалари бўйича ўринбосари

имзо *Ф.И.Ш.*

Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи

имзо *Ф.И.Ш.*

Туман дон қабул қилиш шахобчаси мудири

имзо *Ф.И.Ш.*

Туман ер ресурслари ва давлат кадастр
бўлими бошлиғи

имзо *Ф.И.Ш.*

Туман ички ишлар бўлими ҳодими

имзо *Ф.И.Ш.*

туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва
томорқа ер эгалари кенгаши раиси
бошлиғи *имзо* *Ф.И.Ш.*

Туман давлат статистика
бўлими бошлиғи

имзо *Ф.И.Ш.*

Агросаноат мажмуи ва озиқ-
овқат хавфсизлигини
таъминланиши ўстидан назорат
қилиш инспекцияси туман
бўлими бошлиғи

имзо *Ф.И.Ш.*

Эътиборингиз учун раҳмат